

Имомиддин Насимий
(1370—1417)

Саййид Имомиддин Насимий Озарбайжоннинг Ширвон вилояти Шамоҳи шаҳрида туғилган. Асли исми — Али, лақаби — Имомиддин. У ўз даврига нисбатан мукамал таҳсил кўрган: форс, араб тиллари ва адабиётини чуқур ўрганган. Бундан ташқари, мшгтик, риёзиёт, табиат ва астрономия фанларини ўзлаштирган.

Машҳур сўфий ва авлиё Мансур Ҳалложга кучли эътиқод қўйиб, ўзини унинг ҳароратли шогирди ҳисоблаганидан илк шеърларини Ҳусайний таҳаллуси билан ёзади. Чунки Мансурнинг исми Ҳусайн бўлиб, унинг тариқати ҳам ҳусайния ёки ҳалложия номи билан машҳурдир. XIV асрда Озарбайжонда тасаввуфдан ўсиб чиққан ҳуруфийлик оқими кенг ёйилиб, унда инсон омили муҳим ўрин тутди: инсон, унинг эрки улуғланади; инсонга илоҳий қувватнинг зуҳури ва тажассуми сифатида қаралади. Ҳуруфийлик тариқатининг асосчиси, машҳур шоир ва мутафаккир Фазлуллоҳ Наимий 1394 йили Ширвонга келади ва Имомиддин билан учрашади. Унинг ҳуруфийлик қарашлари ёш шоирга кучли таъсир қилади ва уни қабул этиб, Фазлуллоҳни ўзига муршид билади. Наимийга ҳамоҳанг Насимий таҳаллусини олади.

Илғор фикрли кишилар таъқиб остига олиниб, Наимий Мироншоҳ томонидан қатл, Қосим Анвор Шоҳруҳ тарафидан сургун қилинган, ҳам ўзини қутқариш, ҳам ҳуруфийлик ғояларини кенг ёйиш мақсадида Насимий Озарбайжондан чиқиб кетади. У Бағдод, Онадўли, Токат, Бурса ва бошқа жойларда яшайди, ниҳоят Ҳалабда қарор топади. Миср султони Муайяддин Насимийни даҳрийликда айблаб, унинг тириклайин терисини шилдиради. Ўз таъбири билан айтганда, «сўзнинг додини берган» исёнкор ва ҳассос шоир Насимий илк бор озарбайжон тилида ижод қилгани, озарбайжон адабий тилини халқ жонли сўзлашув тилига яқинлаштиргани билан озарбайжон адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутди. У Ҳасан ўғли ва Қози Бурҳониддиндан кейин озарбайжон тилида яратилган шеърийнинг буюк устодларидандир.

Насимий форс тилида ҳам қалам тебратган бўлиб, унинг форсий ижоди Эронда алоҳида тўплам ҳолида нашр этилган.

Насимийни дунёнинг кўпгина мамлакатларида билишади ва асарларини севиб ўқишади. Туркий халқлар, жумладан, ўзбекларнинг эса у ўз шоири ҳисобланади. Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб ва бошқа ўзбек шоирлари унинг шахси ва ижодига юксак эҳтиром билан қараганлар. Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да уни туркий машойихлар қаторида зикр этиб, «Румий ва туркмоний тил билан назм айтибдур ва назмида ҳақойиқ ва маориф батоят кўп мундариждур. Мазкур бўлғон аҳлиға анинг шеъри муқобаласида ҳамоноки шеър йўқдур», — деб лутф этса, «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида «Саййид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур», — деб ёзади. Дарҳақиқат, у кўпроқ диний-тасаввуфий мавзуларни қаламга олиб, ўзи мансуб ҳуруфийлик тояларини улуғлайди.

Насимий ўз фикр-ўйлари, туйғу-кечинмаларини халқона содда услубда баён қилади. Шунинг учун ҳам шоир шеърлари қўнғилга яқин. Бу шеърлар бир қарашда оддий, содда бўлиб кўринса-да, лекин мазмунан теран ва бадиий юксак.

Насимий озарбайжон адабиёти тарихида мардлик, жасорат, қахрамонлик тимсоли сифатида шуҳрат қозонган.

Ўзбек тилида Насимийнинг Миртемир, Холид Расул ва Асқар Қосимовлар озарбайжончадан таржима қилган мўъжазгина шеърлар тўплами босилиб чиққан.

Биз эса шоирнинг форсий рубоийлари таржимасига қўл урдик. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1

Дин илмини билса ким шариат шулдир,
Гар қўшса амал билан тариқат шулдир.
Ким илму амални Ҳақ ризосин истаб,
Ихлос ила жам этса, ҳақиқат шулдир.

2

Эй, ваъдани кўп қилдинг-у, йўқ зарра вафо,
Кўрмайди бу шевани вафо аҳли раво.
Майхона тавофидан бирор нафъ борми?
Дин ва шижоат бўлмаса, йўқ сидқу сафо.

3

Соқий, бу кеча берма менга ўзга шароб,
Хуммор кўзинг қилди мени масту хароб.
Кўзимни қорачиқлари тарк айладилар,
Шундан бу кеча ҳамнафасим оташу об.

4

Шу мулки олам ичида мавжуд У,
Ҳар икки жаҳонда мақсаду мақсуд У.
То бўлмас экан эътиқод уйи вайрон,
Мен фош қиламан: сенинг учун маъбуд У.

5

Мен мазҳари нутқу нутқи Ҳақ зотим эрур,
Шу икки жаҳонда менинг исботим эрур.
Тонггидан азалнинг то абад шомигача
Ҳар нарса вужудга келса, зарротим эрур.

6

То бўлмас экан ўзликдан фонию фард,
Буткул ювилиб кетмас кўнгилдаги гард.
Бўл нафсу ҳаводан-у жаҳондан озод,
Қоч турфа ёмонликдан агар бўлсанг мард.

7

Дил дардисиз етмайди киши дармонга,
Ҳақ жазбаси бўлмай, етмагай Раҳмонга.
Юзинг сени Ҳақ раҳматининг кўзгусидир,
Етмас уни ким англамаса Қуръонга.

8

Ул нуқтаки, маркази жаҳондир — сенсан,

Ул қатраки, асли кун-фаякондир — сенсан,
Ул исмки, зотдан нишондир — сенсан,
Ул ҳарфки, исми бебаёнди — сенсан.

9

Менман ломакон ганжи — маконга сиғмам!
Юксак бу руҳим — жисм ила жонга сиғмам!
Инсондаги бор ваҳму хаёл менда эса,
Босмас ваҳима, ақли аёнга сиғмам!

Эргаш Очилов таржималари

www.ziyouz.com

2008